



Научно-практический электронный журнал


МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



9 772658 799001 >

Выпуск №76 (том 1)
(сентябрь, 2025)



Международный научно-практический
электронный журнал «МОЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №76 (том 1) (сентябрь, 2025).

Дата выхода в свет: 30.09.2025.

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). **Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.**

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ Олтаев Ш.С.	87
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ Олтаев Ш.С.	102
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	118
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНСОН КАПИТАЛИГА ҚИЛИНГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРИЯТИ Олтаев Ш.С.	132
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ УНУМЛИ БАНДЛИГИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ Олтаев Ш.С.	146
ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ПРЕСТУПНОСТИ: ЕЕ ВИДЫ И ТИПЫ Курдов О.Б., Борджакова А.Х.	164
СВОЙСТВА ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ПОЛИМЕРОВ Мурадова А.Ё., Мурадова О.Ё., Ягмурова С.А.	172
FRACTURES OF THE HAND AND FINGERS AND THEIR TREATMENT Odilov I.A.	176
РОЛЬ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК В 21 ВЕКЕ	
РОЛЬ ДИСЦИПЛИНЫ «ФИЗИКА» В XXI ВЕКЕ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВОЕННОМ ВУЗЕ Жидкова Е.Ю.	180
ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ И НАУКЕ	
БИБЛИО-ПЛОЩАДКИ КАК СПОСОБ ПОПУЛЯРИЗАЦИИ БУККРОССИНГА: МЕДИЙНАЯ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ Артюховская Е.А.	184
АКТУАЛЬНОСТЬ SMM-ТЕХНОЛОГИЙ В СОВРЕМЕННЫХ СРЕДСТВАХ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ ОБ ИСКУССТВЕ Корень Е.Ю.	189
ЛИТЕРАТУРНАЯ КРИТИКА В ФОРМАТАХ БУКТЬЮБА И БУКТОКА Русак У.И.	194
АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПСИХОЛОГИИ И ПЕДАГОГИКИ	
ЦИФРОВАЯ ПАМЯТЬ КАК ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ ОБ ОБЩЕМ ПРОШЛОМ И ПОНИМАНИЯ НАСТОЯЩЕГО Филоненко Л.В., Сухоручко Д.В.	202
ЗНАЧИМОСТЬ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ В ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ МОЛОДЕЖИ И ВОЕННОСЛУЖАЩИХ Филоненко Л.В., Жданов В.А., Коршунов И.Ф.	211
ВОЗМОЖНОСТИ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЕ УСПЕШНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ Филоненко Л.В., Осипов Н.В., Белошицкий И.А.	218



Олтаев Ш.С.

СамИСИ доценти, и.ф.н.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакат иқтисодиётида саноатни ривожлантиришнинг инновацион йўллари ўрганилган. Шунингдек мақолада мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда саноатнинг улуши, саноатнинг ривожланиши натижасида аҳоли фаровонлик даражасини ошириш йўналишлари, бу борада хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий-назарий қарашлари, хулосалари ўрганилди. Шу билан бирга саноат соҳасини ривожлантиришнинг муаммолари очиб берилди ва муаммоларнинг ечимига олиб борувчи йўналишлар илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилиб, тегишли тарзда хулоса ва таклифлар келтириб ўтилди.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, мамлакат, саноат, инновация, инвестиция, ривожланиш, иқтисодий ўсиш, меҳнат салоҳияти, аҳоли турмуш даражаси, ривожланиш, барқарорлик, ҳудуд, маҳсулот.

Кириш. Ҳаммамизга маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг тадрижий жиҳатдан иқтисодий ривожланиши муайян босқичларни босиб ўтишни тақозо этади. Иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлмаган мамлакат учун ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг пойдевори саноатлашиш томон қўйилган қадамдир. Мамлакатимизда саноат ривожланиши кўплаб тармоқ ва соҳалар тараққиётига замин бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини оқилона ташкил этиш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Минтақалар табиий-иқтисодий ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш иқтисодий



мустақилликка эришиш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини яхшилашнинг асосий шартларидан биридир.

Мамлакатимизнинг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири саноатдир. Саноат ўзининг кўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш имкониятлари билан бошқа соҳа ва тармоқлардан ўз афзаллиги билан тубдан фарқ қилади. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғи бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади.

Мамлакатимиз саноат тармоқларини жадал ва барқарор ривожлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ўстириш, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ички бозорни миллий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш асосида саноатнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада оширишга эришиш мумкин.

Умуман, саноат республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Чунки саноат ўзининг кўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Саноат тармоғининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади. Саноат соҳасида қазиб олинган, экиб ўстирилган барча ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ассортимент ва номенклатуранинг кўпайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёнлари такомиллашади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва унинг саноат тармоқларини ривожлантиришнинг долзарблиги тадқиқотчи олимларнинг илмий натижаларида ўз аксини топган. Хорижлик олимлардан С.Портер, Д.Деверюкс, Р.Нуреев иқтисодиётни



такимлаштиришда саноат тармоғининг аҳамиятини кенг ёритган тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлишган [1].

Й.Положенсова, Н.Клевсова ҳозирги вақтда саноат ривожланишининг ўзгариши шароитида ривожланган мамлакатлар саноат ишлаб чиқариш технологиялари кенгайиб борадиган ҳолатга ўтдилар ва нафақат бундай технологияларни жорий этиш, балки компанияларга ушбу технологияларнинг янги оммавий ишлаш режимида ишлашга имкон берадиган бошқарув тизимининг ўзгариши ҳам кенгаймоқда. Шу муносабат билан бошқа давлатлар шу тажрибани қўллашлари келажакда саноатнинг ривожланишида пойдевор бўлиши ҳақида таъкидлаган [2].

Э.Ветрова, Л.Лапочкина саноат ривожланишининг замонавий назарияси асосий қоидалари давлат даражасида стратегик қарорлар қабул қилишда ҳам ҳисобга олиниши керак. Саноатни ривожлантиришнинг тобора кучайиб бораётган муаммолари назария ва унинг амалий амалга оширилишида баъзи қарама-қаршиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шундай қилиб, содир бўлаётган ўзгаришларни назарий ва амалий жиҳатларда баҳолаш ва уларни мувофиқлаштириш йўналишларини аниқлаш кераклигини келтириб ўтган [3].

Ўзбекистон саноатини модернизациялашнинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммоларига бағишланган ҳамда саноат меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва бутун миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишнинг техник ва технологик асоси эканлигини Ж.Қ.Курбонов ўз тадқиқотлари орқали аниқлашга ҳаракат қилган. Саноат салоҳиятини ошириш энергия сифимдорлиги, CO₂ чиқиндиси, хорижий инвестициялар каби омилларнинг ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган [4].

Н.Махмудов, С.Хомидов, Н.Авазов фикрича, саноат иқтисодий ўсишни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади. Аксарият тадқиқотлардаги мазкур фикр, айнан, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан саноатда инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдаланиш имкониятининг юқорилиги билан изоҳланади. Бу эса меҳнат унумдорлиги ва



ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади, натижада иқтисодий ўсиш таъминланилади, деб келтиради [5].

Хусусан, А.Артиков “Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омиллари”га[6], М.П.Нарзиқулов “Саноатнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор - таркибий ўзгаришларга қаратилганлиги”га[7], Э.Х.Махмудов “Саноат тармоқлари ривожланишига шароит яратишнинг стратегик йўналишлари, биринчи навбатда, солиқ-бюджет, пул-кредит, нарх ва валюта сиёсати каби воситаларни қамраб олган қулай макроиқтисодий муҳитни яратиш”га[8] боғлиқликларига алоҳида тўхталиб ўтишган.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мақолада статистик таҳлил, аналитик таҳлил, саноат соҳаси ривожланишининг маълумотларнинг график таҳлили усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот ишимизда саноатни ривожлантириш бўйича муаммолар аниқланиб, қиёсий ва аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммолар очиб берилиб, унинг ечими сифатида тегишли тартибда хулоса ва таклифлар, асосий йўналишлар келтириб ўтилди.

Таҳлил ва натижалар. Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар йўналишларидан бири саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришлар ҳисобланади. Саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва таркибий қайта тузиш жараёнлари билан ифодаланади. Мамлакат таркибий сиёсатининг бош мақсадларидан бири ҳам саноатда таркибий қайта тузишни амалга ошириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат.

Республика саноатини жадал ривожлантиришда янги замонавий механизмларни жорий қилиш орқали ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва қўшимча захираларни яратиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 21-июлдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” [9]



ПФ-111-сонли фармони билан саноат тармоқларини тубдан ривожлантириш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида Саноатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлиги ҳамда Саноатни ривожлантириш жамғармасига 1 млрд. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида маблағ жалб қилиниши, шу жумладан 2023-2024- йилларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 200 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар ажратилиши белгиланди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида саноатнинг ўрни ортиб бормоқда. Йилдан йилга ҳудудлардаги саноат маҳсулотлари ҳажми барқарор равишда ўсиб бормоқда. Биргина мисол тарзда 2022-йилда 2021-йилга нисбатан саноат маҳсулотларининг ҳажми ўсиш кўрсаткичи 21,3 фоизга ёки 97 209 млрд. сўмга ошганини кўришимиз мумкин. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мамлакатда саноатни ривожлантириш мақсадида яратилган имкониятлар ва инвестицияларнинг мавжудлиги иқтисодиётнинг доимий ривожланиб боришини таъминламоқда.

2022-йилга келиб, мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритган мамлакатлар сони 50 дан ортди. Уларнинг орасида Россия, Хитой, Туркия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Мамлакатга киритилаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2017- йилда 3,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022-йил якунида ушбу кўрсаткич уч баробар ортиб, 9,8 миллиард АҚШ долларига етди. Шу билан бирга, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2017-йилда 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022-йилга келиб 3,4 баробар ошиб, 8,5 миллиард АҚШ долларига етди. Уларнинг жами инвестициялардаги улуши эса 17,7 фоиздан 35,4 фоизгача ошди.

Саноатни ривожлантириш учун йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми 113,2 триллион сўмгача ошган. Бу эса иқтисодиётга киритилаётган жами инвестицияларнинг салкам ярми 49,9 фоиз демакдир. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,2 фоиз пунктга юқоридир. Жумладан, тоғ-кон секторига киритилган инвестициялар улуши 9,9 фоизга, ишлаб чиқариш саноатига



киритилган инвестициялар улуши 28,9 фоизга, энергия таъминоти соҳасига киритилган инвестициялар улуши 7,9 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Шу ўринда тармоқларни тартибга солиш ва манзилли қўллаб-қувватлашнинг бевосита ва билвосита дастакларидан фойдаланиш натижалари кўрсаткичларига тўхталсак. Бунда тоғ-кон саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини барқарорлаштириш 100,4 фоизни ташкил этди. Энергия таъминотида ўсиш суръатини сақлаб қолиш 108,9 фоиз, қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини ошириш эса 106,4 фоизни ташкил этган [11].

2022-йилда юртимизда саноат 5,3 фоиз ўсган. Лекин 65 та йирик ҳудудий корхонада ишлаб чиқариш камайган. Давлат томонидан маблағ ажратилган бўлсада, 118 та саноат зонасига ҳалигача инфратузилма олиб борилмаган. Экспортда ГСП+ имкониятидан етарлича фойдаланилмаяпти. Маълумки, Ўзбекистон 2021-йили Европа Иттифоқининг ГСП+ номли кенгайтирилган преференциялар тизимига қабул қилинган эди. Унинг доирасида 6 минг 200 дан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш мумкин. Бунинг учун давлатимиз томонидан транспорт харажатларига 70 фоизгача субсидия ҳам берилмоқда. Лекин тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи, электр техникасининг 3 фоизи, ипак ва озиқ-овқатнинг 1 фоизи Европага сотиляпти, холос [12].

Юртимизда 2023-йилнинг кейинги ярим йиллигида инвестиция дастурларидаги 1 минг 500 та лойиҳани тезлаштириш ва 12 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестицияни ўзлаштириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланган эди. Шунингдек, ҳукумат комиссияси томонидан иқтисодиётга катта туртки берадиган 97 та йирик саноат лойиҳаси тайёрланди. Улар орқали 6,7 миллиард доллар ўзлаштирилиб, 3 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 27 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконияти яратилди [12].

Саноатнинг ривожланиши ҳудудлар кесимида 2023-йил охирида деярли тенгликни кўрсатмоқда. 2022-йил 1-чорақда Андижон вилояти саноатининг ўсиш кўрсаткичи республикада энг юқори натижани кўрсатган, бунинг асосий сабаби суфатида вилоятда киритилган инвестиция маблағларининг юқори



даражада ўзлаштирилганлигидандир ва 2023- йил 1-чорақда Қорақалпоғистон Республикаси саноат соҳасида салбий натижалар кузатилган (-11,9 %), бугунги кунларга келиб эса ажратилган қўшимча имтиёз ва инвестициялар ҳисобига саноатнинг улуши 2022-йил 4-чорағига нисбатан 2,3 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳамда енгил саноатнинг йирик тармоқлари: ип йиғирув ва тўқимачилик саноати сезиларли даражада, доимий юқори кўрсаткичларда ривожланишини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислохотларни тизимли равишда кенгайтириш келгуси давр саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришларнинг муҳим устувор йўналишлари ҳисобланади.

Таҳлил маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, ўтган давр мобайнида саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши, маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Лекин ҳали мамлакатимиз саноати ривожланиши учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилапти, деб бўлмайди. Бу жараён қуйидаги омиллар билан боғлиқ: айрим саноат корхоналарида мавжуд капиталнинг моддий ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги; айримларида моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада эканлиги, кўп ҳолларда саноат корхоналарининг ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги ва ҳоказо.

Жорий йилда саноат маҳсулотлари ҳажми ва базис йилда ҳисобланган саноат маҳсулотлари ҳажми нисбати 2022-йил 2-чорақда энг юқари натижани - 21,6 фоиз ўсишни, 2023-йил 1-чорақда эса 7,4 фоизгача камайишни кузатиш мумкин. 2023-йил 4-чорағида дефлятор кўрсаткичи 9,8 фоизни ташкил қилган. Демак, инвестициялар ва уларнинг юқори даражада ўзлаштирилиши саноатда катта силжишларга ёрдам беради.

Саноатдаги ушбу таркибий ўзгаришлар қуйидаги йўналишларни босқичма-босқич амалга оширишни талаб этади:

биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали чинакам мулкдорлар синфини янада кўпайтириш;



иккинчидан, кичик ва ўрта корхоналар улушини ошириш орқали мажмуада рақобат муҳитини шакллантириш, мавжуд монопол корхоналар сонини имкон қадар тугатиш;

учинчидан, аввалдан шаклланган, хомашё етказиб беришга ихтисослашган тармоқлардан воз кечиш, уларнинг ўрнида тайёр маҳсулот тайёрловчи қувватларни барпо этиш;

тўртинчидан, моддий (ер, капитал) ва шахсий-инсоний (меҳнат, тадбиркорлик) ресурслардан самарали фойдаланиш, шу орқали ишлаб чиқаришни инновацион йўл билан ривожлантириш;

бешинчидан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар эркин фаолият юритиши учун давлат томонидан ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам ҳуқуқий кафолат бериш;

олтинчидан, хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган саноат корхоналарига маълум давр давомида олдинги фаолиятини сақлаб қолиш талабидан воз кечиш. Бу эса ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибини тубдан ўзгартириш, талаб ва эҳтиёж катта бўлган, импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун янги имкониятлар яратади;

еттинчидан, жаҳон бозорига Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кириб бориши учун замонавий хорижий фирмалар тажрибаси ва техника-технологияларини мамлакат саноатига жорий этиш, бунинг учун қулай инвестицион муҳит яратиш;

саккизинчидан, мавжуд ишлаб чиқариш тажрибалари, малакали кадрлар салоҳияти ва барча интеллектуал мулкни босқичма-босқич ривожлантириш;

тўққизинчидан, шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида қўйилган мақсадларни муваффақиятли амалга оширишга йўналтирилган қарорларни иш фаолиятига изчил татбиқ этувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

ўнинчидан, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари томонидан имтиёзлар яратиш, молиявий маблағларни мақсадли йўналишларга жалб этиш.



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши соҳа корхоналари маблағлари ва ресурслари кўпайганлигини англатади. Давлат томонидан солиқ юкини қисқартириш, бюджет-солиқ сиёсатини эркинлаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш борасида олиб борилаётган мақсадли ва узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминловчи сиёсат ЯИМнинг ошиши ва унда саноат маҳсулотлари улушининг ортишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон саноат мажмуида қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги улушини ошириш учун ишлаб чиқилган дастурлар самараси ҳамда жаҳон бозорида саноат маҳсулотларига, жумладан, озиқ-овқат, енгил ва машинасозлик саноатлари маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши, пировард натижада, саноат ишлаб чиқаришининг қўшимча ўсишига олиб келди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасига эътиборни қаратсак, мустақилликнинг ўтган даврида ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоқлари юқори суръатлар билан ўсаётганини кўришимиз мумкин.

Машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳамда енгил саноатнинг йирик тармоқлари: ип йигирув ва тўқимачилик саноати сезиларли даражада, доимий юқори кўрсаткичларда ривожланишини таъминлашга қаратилган бозор ислоҳотларини тизимли равишда кенгайтириш, келгуси давр саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришларнинг муҳим устувор йўналишлари ҳисобланади. Саноат тармоқларидаги ўсиш суръатлари мазкур тармоқларда яратилаётган маҳсулотларга бўлган ички ва ташқи талаб кўламига боғлиқ.

Мамлакат аҳолисининг реал даромади ва харид қобилиятини янада оширишда истеъмол кредити тизимини кескин кенгайтириш ва такомиллаштириш саноат мажмуида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширувчи ички талаб улуши ошиши билан тавсифланади. Саноатда яратиладиган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги баҳонинг қулай конъюнктурага эга бўлиши, халқаро иқтисодий интеграциянинг кучайиши саноат ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва ташқи омил таъсирининг ошиши



билан тавсифланади. Саноат мажмуида амалга оширилган таркибий ўзгаришларда давлатнинг солиқ-бюджет сиёсати, баҳо ва пул-кредит сиёсати, умуман, иқтисодий ислоҳ қилиш бўйича амалга киритилаётган чора-тадбирлар натижасида бир қатор ижобий силжишларга эришилди. Саноат корхоналарини ислоҳ қилиш, таркибий қайта тузиш, саноатда хусусий мулк улушининг янада ошиши, тармоқ корхоналари бошқарувини бозор тамойиллари асосида шакллантириш саноат ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Хулоса ва таклифлар. Таҳлил маълумотлари шундан далолат берадики, ўтган давр мобайнида саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида соҳанинг мамлакат иқтисодийидаги улуши, маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Лекин ҳали мамлакатимиз саноати ривожланиши учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаёпти, деб бўлмайти. Бу жараён қуйидаги омиллар билан боғлиқ :

биринчидан, моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада эканлиги;

иккинчидан, саноат мажмуига киритилган инвестициялар тармоқ маҳсулотлари экспорти салмоғининг ошишига ҳисса қўша олмаётганлиги, асосан ички бозор учун маҳсулот етказиб бериш билан чекланиши;

учинчидан, саноат корхоналарида мавжуд капиталнинг моддий ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги, натижада маҳсулот яратишда таннархнинг юқори даражага чиқиб кетиши, сифат даражаси бўйича импорт маҳсулотлар сифати билан рақобатлаша олмаётганлиги, электр энергияси ва қўл меҳнатидан фойдаланиш қисқармаганлиги.

Ушбу муаммолар саноатда таркибий инвестицион сиёсатни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади. Шу билан бирга, мамлакат саноатининг барқарор ривожланишини таъминловчи қуйидаги йўналишларни таклиф этамиз:

биринчидан, саноат тармоғини барқарор ривожлантириш, унинг етакчи соҳаларини молиявий таъминлаш учун тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмининг такомиллаштириш;



иккинчидан, саноат соҳасига замонавий турдаги ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берадиган янги технологияларни киритиш;

учинчидан, саноат тармоғини унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар билан алоқаларини такомиллаштириш;

тўртинчидан, хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда маҳсулотлар сотиш тизимини такомиллаштириш учун маркетингдан кенгроқ фойдаланиш;

бешинчидан, инвестицион ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенг қўламли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, илмий асосланган лойиҳалар ишлаб чиқиш;

олтинчидан, корхоналарда инновацион салоҳиятни такомиллаштириш, илм ва юқори технология талаб қиладиган янги корхоналар ташкил этиш ва импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

еттинчидан, тармоқда ишлаётган ишловчиларнинг доимий равишда малакаларини ошириб бориш;

саккизинчидан, ривожланган мамлакатларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий техника-технологияларини импорт қилиш сиёсатини жадаллаштириш;

тўққизинчидан, саноатда хусусий тармоқ ва кичик тадбиркорлик улушини ошириш;

ўнинчидан, диверсификацион фаолиятни такомиллаштириш, ички захира ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш лозим бўлади.

Бугунги кунда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари қуйидагилар бўлиши кўзда тутилмоқда:

биринчидан, курилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;

иккинчидан, саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;

учинчидан, саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;



тўртинчидан, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш;

бешинчидан, маҳаллийлаштириш дастури ва Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

олтинчидан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, республикада амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси мамлакат макроиқтисодий барқарорлигининг ошиши билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигига ижобий таъсир этмоқда ва уларнинг давом эттирилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Shavkat Oltaev. Herausforderungen und Lösungen beim Bau einer Gemeindeabteilung und Investitionen in Familienunternehmer (Am Beispiel von Navobod NCM des Bezirks Samarkand). Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. 93-97 pp. <http://doi.org/10.5281/zenodo.5513703>

2. Shavkat Oltaev. Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021. Online: <https://academicjournal.io> 7-13 pp. <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334>

3. Shavkat Oltaev. Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district). American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 34. 34-37 pp. <https://zenodo.org/record/5514016>

4. Shavkat Oltaev. A strong family is as basic of the prosperity of the neighborhood. American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 30. 30-33 pp. <https://zenodo.org/record/5513761>



5. Shavkat Oltaev. The role of the state in the innovative development of Tourism. The American journal of management and economics innovations. (TAJMEI). 2021. USA. <https://doi.org/10.37547/tajmei/Volume03Issue10-05> 17-20 pp.
6. Shavkat Oltaev. Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research. <https://doi.org/10.37547/tajiir/Volume03Issue11-02> 2021. 9-13 pp.
7. Shavkat Oltaev. Innovative Education is an Important Factor in Increasing the Efficiency of Economic Education. Journal of Marketing and Emerging Economics. 54-57 pp. <https://openaccessjournals.eu/index.php/jmee/article/view/940>
8. Shavkat Oltaev. Creation of new jobs in our country – an important factor in providing employment. Modern views and research – 2021. International scientific and practical Conference. London, UK. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5570503> 2021. P: 41-43
9. Shavkat Oltaev. Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95 pp. 2022. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503>
10. Shavkat Oltaev. Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science. 96–100 pp. (2022). <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923>
11. Shavkat Oltaev. Ways of increasing the efficiency of using labor resources (on the example of the Samarkand region). Journal of Hunan University (Natural Sciences) Vol. 49. <https://johuns.net/index.php/abstract/445.html> №10. 2022.
12. Shavkat Oltaev. (2024). Ways of government support for innovative activity in the field of service provision. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 231–236. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-41>
13. Shavkat Oltaev. (2024). Financial sources and organizational and legal basis of social protection of the country's population. European International Journal



of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 244–250.

<https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-43>

© Олтаев Ш.С., 2025